Ушбу сонда:
2 АСЛ ФАРЗАНД ЧИҚАР АСЛ ХОНАДОНДАН
3 БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ
4 ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АҚШГА БОРАДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 август, сешанба №121 (953)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

### АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва ходимларнинг моддий шароитларини яхшилаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:

1. 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб:

академик лицейлар ва касб-Ҳунар коллежлари раҳбарлари, педагог ва ўқув-ёрдамчи ходимлари учун улар лавозим маошларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича бир разрядга ошириш ҳисобига лавозим маошларининг янги миқдорлари белгилансин;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг ягона йиллик ўқув юкламаси йилига 640 соат миқдорида белгилансин;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ходимлари, педагог ходимлари, психологлари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун лавозим маошининг 25 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама белгилансин. Устама Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича янги разрядларини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун зарур бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 255-сон қарорига 1-илова 15-бандининг;

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарорига 2-илованинг 1-банди «в» кичик бандининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига оид қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 21 август

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БЕҚАРОРЛИКДАН КИМЛАР МАНФААТДОР?



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёнинг тўрт мамлакати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг 20 август куни Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида қатнашди.***

Сир эмаски, сўнгги йилларда бутун дунёда хавфсизлик масаласининг долзарблиги тобора ошиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларида қайсидир мамлакатда экстремистик кайфиятдаги ташкилот томонидан амалга оширилган террорчилик ёки давлат тўнтариши, исёну ғалаёнлар бошланганини, диний, сиёсий асосдаги ёки ирқий келишмовчилик туфайли келиб чиқаётган можаролар, фуқаролар уруши ҳақида деярли ҳар куни хабар тарқалади.

Барқарор ҳаётни муҳофаза қилиш масаласи Марказий Осиё давлатлари учун ҳам ғоят долзарбдир. Бир ярим йил аввал Тошкентда юз берган портлашлар, ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманида рўй берган воқеалар, яқинда Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё ва Узун туманларига, шунингдек, Қирғизистон жанубига қилинган хуружни бу фикрнинг тасдиғи, дейиш мумкин.

Сўнгги бир йил ичида кечган воқеаларни теран кузатган киши шундай хулосага келадики, ҳалқаро террорчилар ўзларининг Марказий Осиёга хуружларига сурункали тус беришга, уларнинг раҳнамолари эса минтақанинг дунёвий давлат қуриш йўлини танлаган мазкур мамлакатларида барқарорликни издан чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга уринмоқда. Бу Бишкек учрашувида бир неча бор алоҳида таъкидланди. Президентлар Марказий Осиё халқаро террорнинг асосий нишонига айланган минтақалардан бири бўлиб қолаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм каби иллатларга қарши курашда қўшма чора-тадбирлар қўллаш ҳақида ўзаро келишиб олинди.

Ўтган йили, террорчилар Қирғизистон жанубига бостириб кирганида, минтақа давлатлари ўртасида террорга қарши баҳамжиҳат курашиш механизми ҳали тўла ишлаб чиқилмаган эди. Очиғини айтганда, қўшниларимиз террорни ўзи учун хавфсиз, деб тушунар, унинг на давлат, на миллат танламаслигини барча ҳам тўла англаб етмаганди. Қўшни мамлакатга солинган таҳдидга бепарволик оқибатида Қирғизистон жанубида шундай воқеа юз берди. Мамлакат ҳарбийлари ҳам бундай хуружларга тайёр эмаслиги сезилиб қолди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёнинг бирор давлатига солинган таҳдид бутун минтақадаги барқарорликни хавф остига қўйишини қайта-қайта айтиб келади. Қўшниларимиз, хусусан, Қирғизистон раҳбарияти ҳам буни Боткен воқеаларидан кейин янада теран англади ва эътироф этди. Ўтган бир йил ичида бундай босқинларни дафъ қилишга тайёргарлик борасида анча ишлар қилинди. Бундай саъй-ҳаракатларнинг самарасини бу йилги хуружлар қандай тез бостирилганида кўриш мумкин.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан шу йил 20-21 апрел кунлари Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг учрашуви ўтказилган эди. Саммитда хавфсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратилган ва Халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм, уюшган жиноятчилик, минтақа барқарорлигига таҳдид солувчи бошқа омилларга қарши ҳамкорликда кураш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Бишкек учрашуви ана шу саммитнинг узвий давоми бўлди. Бу галги учрашувда Россия томонидан ушбу мамлакат хавфсизлик кенгаши котиби С.Иванов ҳам қатнашди. Бунинг сабаби шундаки, Марказий Осиё, Чечехистон ва Афғонистонда кечаётган воқеалар ягона занжирнинг халқаларидир. Ҳаммасининг ортида минтақа давлатларидаги конституциявий тузумни ағдариш ниятида бўлган кучлар турибди. Улар ўзларининг ёвуз кирдикорларини турли ғоялар билан оқлашга уринмоқда. Бишкек учрашуви қатнашчилари бундай кучларга қарши қатъий курашиш фурсати етганини таъкидлади. Томонлар матбуот анжуманида бу борада якдил эканликларини билдирди. Бу Бишкек учрашуви ниҳоясида қабул қилинган Баёнотда ҳам ўз аксини топди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАХСУС ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

Биз, Бишкек учрашуви иштирокчилари, халқаро босқинчи тўдаларининг Марказий Осиёдаги террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ вазиятни муҳокама қилиб, қуролли акциялар кўлами кенгайиб бораётганидан ғоят безовта эканимизни билдирамиз ҳамда уларни ошкора босқинчилик, террорчилик ва экстремизм кўринишлари, деб баҳолаймиз.

Халқаро террорчилар ҳаракатларининг мунтазам сурункали тус олаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда, бундай ҳаракатлар Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка путур етказиш, минтақавий ва халқаро вазиятни узоқ муддат давомида издан чиқаришга йўналтирилганини кўрсатади. Бу яна шундан далолат берадики, Марказий Осиё халқаро террорчилик ва экстремизмнинг ёвузларча ҳаракатлари қаратилган асосий ҳудудлардан бирига айланиб бормоқда.

Учрашув иштирокчилари Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бандлари, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома, икки томонлама сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда Марказий Осиё, Чеченистондаги террорчилик ва босқинчилик акциялари, Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий зиддият бирбирига боғлиқ эканини тан олиб, содир бўлаётган воқеаларга ҳуқуқий баҳо беришда якдил эканликларини билдирадилар - халқаро террорчилик жамиятимизнинг конституциявий, демократик асосларига таҳдид солмоқда. Шу муносабат билан биз уларга муносиб жавоб бериш ва босқинчиларнинг сурбетларча ҳаракатига чек қўйиш борасидаги қароримиз қатъий эканини тасдиқлаймиз.

Шуни қатъий маълум қиламизки, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ террорчилик ҳаракатларига қарши аёвсиз чора-тадбирлар кўрилади ва улар бостирилади.

2000 йил 21 апрелдаги Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар раҳбарлари Шартнома доирасида томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларга қатъий ва оғишмай амал қилиши зарурлигини таъкидладилар.

Марказий Осиёда вужудга келган вазиятни Коллектив хавфсизлик кенгаши сессиясида кўриб чиқиш ва уни тартибга солиш борасида кечиктириб бўлмайдиган чораларни, жумладан, Марказий Осиёнинг Жанубий чегараларини тамомила мустаҳкамлаш ва террорчиларни жойлашиб олган маконларида йўқ қилишга доир тадбирларни белгилаб олиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз БМТ Хавфсизлик Кенгаши, ЕХҲТ, Ислом Конференцияси Ташкилотига, дунёнинг барча мамлакатларига яна бир бор мурожаат этиб, халқаро террорчилик ва экстремизмни фақат кескин қоралаш билан чекланиб қолмай, балки қуруқ баёнотлардан ушбу глобал таҳдидни таг-томири билан суғириб ташлашга йўналтирилган мувофиқлаштирилган амалий ҳаракатларни ишлаб чиқишга даъват этамиз.

2000 йил 21 апрелдаги Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома иштирокчилари Россия Федерацияси раҳбариятига ушбу Шартномага қўшилиш таклифи билан мурожаат этишди.

Бишкек шаҳри,
2000 йил, 20 август

## ЁВУЗЛИК УРУҒИНИ СЕПГАН ПУШАЙМОН ЙИҒАР

***«Ватан чегараларини бир кун ҳимоя қилишлик етмиш йил нафл намозини ўқигандан савоблироқдир.»** (Муборак Ҳадиси Шарифдан)*

Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган террорчи тўдалар халқимизнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлиб ер тишламоқдалар, яксон қилинмоқдалар. Шундай бўлиши муқаррар эди, шундай бўлмоқда ҳам. Чунки биз ҳар қандай қийинчиликлардан, тақдир синовларидан мардона чиққан иродали, бардошли халқмиз.

Жамоатчи мухбиримиз Мирза Анвар Каримов Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашидқори БАҲРОМОВ билан учрашиб, халқимизнинг диққат марказида турган воқеалар хусусида мусоҳаба ўтказди.

**— Муфтий ҳазратлари. Қора ниятли террорчиларнинг Ватанимиз сарҳадларига бостириб кириб қилаётган ёвузликларига Ўзбекистон мўмин-мусулмонларининг муносабати қандай?**

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги байрамига саноқли кунлар қолди. Худо хоҳласа байрамни катта шодиёна, тинчлик-хотиржамликда нишонлаймиз.

*(Давоми 2-бетда)*



Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари орқали Ватанимизга суқилиб кирмоқчи бўлган халқаро террорчиларнинг қолган-қутганларини йўқ қилиш, босқинчилардан батомом тозаланган ҳудудларни доимий назоратда тутиш борасидаги операция режали равишда давом этмоқда.

## НАФРАТИМИЗ ЧЕКСИЗ

Баланд тоғ чўққиларида жойлашган қишлоқлардан воҳага кўчиб келган оилалар Узун ва Сариосиё туманларидаги махсус ажиратилган жойларга жойлаштириб бўлинди. Улар учун бу ерда зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, болаларни 1 сентябрдан шу ердаги

*(Давоми 2-бетда)*

# ВАТАНФУРУШ ВА КАЛЛАКЕСАРЛАРГА ЎЛИМ!

***Муқаддас Ватанимиз тупроғига бостириб кирган бир гурух халқаро террорчиларнинг ваҳшийликлари, шум нияти халқимиз қаҳр-ғазабини қўзғатди. Жойларда бўлиб ўтаётган йиғилишларнинг иштирокчилари каллакесарлар, ювиндихўрларни лаънатлаб, уларга ўлим тилаб, қашқирларни битта қолдирмай ер билан яксон қилишга даъват этмоқдалар.***

***Қуйида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқарувидаги тадбирда иштирок этган олимпия, жаҳон чемпионлари, спорт мураббийларининг дил нидолари баён этилган.***

### ТОҲИР ЙЎЛДОШ, ЖУМА НАМАНГОНИЙ – ИНСОН ҚИЁФАСИДАГИ ВАҲШИЙЛАР

**Баҳодир ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви раиси ўринбосари.**

Бу ёруғ дунёда ёвузлар ҳам етарли. Аммо халқ тавқи-лаънатига учраган, ҳаром қўлини қонга ботирган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангонийдек разилларга қандай таъриф беришга ҳам ҳайронман. Улар сохта диндорлар уйдирмасига учиб, ҳаётда янглишганликларига ишонч ҳосил қилгач, қуролларини ташлаб она юртлари томон талпинган бир гуруҳ адашган йигитлар калласини танидан жудо қилиб, қумга кўмган ёвузлардир. Қаранг, ўзларининг разил ниятларини яшириш учун уялмай-нетмай Ислом динини ниқоб қилиб олишибди. Сенлар кимсан ўзи, ярамаслар, динга қандай алоқанг бор! Ахир, Исломнинг моҳиятида тинчлик, меҳр-шафқат, эзгулик, савоб каби энг олийжаноб қадриятлар ётади. Ватанфуруш, бор мақсади одамларни қийратиш бўлган бундай бахтсиз кимсаларда юқорида қайд этилган фазилатлар нима қилсин. Сўнгги йилларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шундай ёвузликларга қўл урдиларки, буни асло кечириб бўлмайди. Зеро, ёвузлик, разолат жазосиз қолмагай. Ишончим комил: ватанфурушлар охироқибат ит кунини кўрадилар, ўликлари қузғунларга ем бўлади.

### ДОЛЛАРГА ЮРТИНИ, ИЙМОНИНИ СОТГАНЛАР

**Рая САЛИМОВА,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари спорт жамиятига қарашли баскетбол, волейбол ва қўл тўпи мактаби раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.**

Мустақил Ватанимиз тупроғини шум ниятли ёвнинг қадами булғаган кундан буён ўзимни қўярга жой тополмайман, томоғимдан овқат ўтмайди. Шу кунларда радио орқали тез-тез берилаётган таниқли хонандамиз Юлдуз Усмонованинг «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» номли машҳур қўшиғини эшитиб вужудим жунбушга келади. Ватан мустақиллиги, юрт осойишталиги йўлида шаҳид кетган қаҳрамон йигитларимиз оналарининг кўз ёшлари, ўкиниб-ўкиниб бўзлашларини телевизор орқали кўриб, ёвга бўлган нафратим юз чандон ошади. Очиғи, аёл киши бўлсам ҳам спорт беллашувларида чиниққанман, бир ўзим беш-олти жангарига дош кела оламан. Қани энди, имкон бўлсаю, уларни ўз қўлим билан мажағласам. Мен айниқса, фарзанд доғида куйган, армонда қолган оналарни яхши тушунаман. Улар ўрнида ҳар биримиз бўлишимиз мумкин эди. Биз Ватаним, она тупроғим, жигарларим дея ёвузлар билан жанг қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган азиз ўғлонларимиз билан фахрланамиз. Айни пайтда долларга юртини, иймонини сотиб осуда ҳаётимизни бузган, бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний ва уларнинг ювиндихўрларига лаънатлар бўлсин деймиз. Итга итнинг ўлими!

### ПИЧОҚ БОРИБ СУЯККА ТАҚАЛДИ

**Абдухалил ҚАРШИБОЕВ,
Оққўрғон тумани қишлоқ болалар ва ўсмирлар спорт мактаби раҳбари, собиқ боксчи.**

Йиғилганларга бир боқинг: унинг иштирокчилари олимпия ва жаҳон чемпионлари, полвону боксчилар - куч-қувватга тўлган шербилак, алпқомат йигитларнинг муштлари қисилган, асаблари таранг. Ҳар бирлари шаҳид кетган йигитларимиз учун ўч олишга тайёр. Улардаги қатъият, ватанпарварликни кўриб, ҳис қилиб ўзимга-ўзим дейман: ана шундай ажойиб ўғлонларимиз бор экан, ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам ёвни янчамиз, азиз Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачиғидек асраймиз.

Халқаро террорчиларнинг ёвузликлари мени ҳам ғазаб отига миндирди. Пичоқ бориб суякка қадалди. Энди энг сўнгги босқинчини бутунлай йўқ қилиб ташланмагунча кўнгил тинчимайди. Армиямиз энг замонавий қуроллар билан жиҳозланган ва у ёвга қақшатқич зарба бера оладиган қудратли кучга эга эканлиги қайта-қайта синовдан ўтди. Бутун Ўзбекистон оёққа қалққан. Ҳамма - у ким бўлишидан қатъи назар, ҳушёрликни ошириб ўз меҳнати, нафрати, оташин сўзи билан ёвга ажал ўқини ёғдирмоқда. Энди айтингчи, ана шундай халқни енгиб бўладими?!

**Йиғилиш ҳукм қилади: Ашаддий қонхўр, ватанфуруш, каллакесар, ўзининг шум қадами, ёвузликлари билан Ватанимизнинг муқаддас тупроғини булғаган, не-не умри азизлар ҳаётига зомин бўлган, ота-оналарни фарзанд доғида зор қақшатган, гўдакларни етим қилган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний ва унинг ювиндихўрларига ўлим!**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БЕҚАРОРЛИКДАН КИМЛАР МАНФААТДОР?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Учрашув қатнашчилари Афғонистондаги воқеаларга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Бу мамлакатда 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида фуқаролар уруши давом этяпти. Бундай урушдан кимлар манфаатдор, деган табиий савол туғилади. Албатта, оддий халқ урушни истамайди. Бу хунрезликлар ортида наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланувчи ёвуз кучлар турибди. Матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда куни кеча баҳоси 4 миллион АҚШ долларига тенг 450 килограмм гиёҳванд модда қўлга олинганини айтди. Ўтган йили эса БМТ вакиллари гувоҳлигида мамлакатимизда 1700 килограмм соф героин ёқиб юборилган. Бу рақамлар шундан далолат берадики, наркобизнес раҳнамолари Марказий Осиёда беқарорлик келтириб чиқариб, ўзлари учун «жаҳон бозори»га чиқадиган қулай йўл очмоқчи. Уларнинг кўрсатмаси билан бир гуруҳ ёлланма босқинчилар томонидан амалга оширилаётган қўпорувчиликлар эса улуғ ғоялар ниқобига ўралмоқда.

Террор хавфини буткул йўқ қилиш учун унинг томирини, манбасини йўқ қилиб ташлаш керак. Афғонистонда наркотик етиштирилишидан ташқари, террорчилар тайёрланадиган лагерлар ҳам мавжудлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. «Толибон» назорати остидаги ҳудудларда ана шундай лагерлар кам эмас. Наркотик етиштириш эса қонуний асосга қўйилган. Яъни, «қора дори» етиштирувчи шахс полиз маҳсулоти етиштирувчи деҳқон каби солиқ тўлайди. Баъзида эса чет элликларнинг кўзини шамғалат қилиш учун гўёки қаердандир топилган гиёҳванд моддалар намойишкорона йўқ қилиб ҳам ташланади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Бишкекда Афғонистондаги можарони бартараф этишда халқаро ҳамжамият, ривожланган давлатлар етарли даражада фаоллик кўрсатмаётганини яна бир карра таъкидлади. Ҳақиқатан, афғон муаммосига эътиборсизлик - бор гап. Косово, Босниядаги можароларни дарҳол бостиришга ҳаракат қилган БМТ, НАТО сингари нуфузли халқаро ташкилотлару ривожланган давлатлар афғон можаросига келганда, ўзини четга тортяпти. Ваҳоланки, бирор давлат Афғонистондан чиқаётган хавф-хатардан холи эмас. Уруш эса халқаро ҳамжамиятнинг қатъий саъй-ҳаракатларисиз тугамайди. «Толибон» ҳаракати бутун Афғонистонни босиб олган тақдирда ҳам, у ерда хунрезликлар давом этаверади. Мамлакатнинг тарихи, у ердаги ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин. «Толибон» Аҳмадшоҳ Масъуд тарафдорларини енгса, албатта, бошқа рақиб пайдо бўлади. Жуда бўлмаса, толибларнинг ўзи иккига бўлиниб, ўзаро урушади. Чунки, бундан манфаат бор. Беқарорлик мамлакатда наркотик модда етиштириш, террорчи тайёрлаш ва энг муҳими, бундай жиноятлар учун жазосиз қолиш имконини беради. Оддий халқ эса азбаройи кун кўриш учун яна эски амалини, «наркодеҳқончилик»ни давом эттиради.

Шу боис Бишкек учрашуви қатнашчилари афғон можаросини бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўриши учун биргаликда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларга мурожаат қилишга келишиб олди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Тошкент-Бишкек-Тошкент**

(Боши 1-бетда).

Ўтган тўққиз йил ичида барча соҳаларда, жумладан, виждон эркинлиги соҳасида ҳам жуда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Муқаддас динимиз, масжиду мадрасаларимиз халқимизга қайтариб берилди. Диний расм-русумларимизни бемалол адо этаяпмиз. Мўмин-мусулмонлар ҳам бутун халқимиз каби мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислохотларда, бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоқдалар. Ҳар бир фуқаро истиқлол меваларидан баҳраманд бўлиб, бунга шукр қилмоқда.

Бироқ мустақиллигимизни кўра олмайдиган, тинч ҳаётимизга рахна солмоқчи, халқимизни қўрқитмоқчи, уни ваҳимага солмоқчи, давлатимизнинг тўғри сиёсатидан чалғитмоқчи бўлган Ватан хоинлари, босқинчи-террорчилар Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун ҳудудларига суқулиб кирдилар. Бу жиноятчиларнинг ишларидан барча халқимиз, мўмин-мусулмонларимиз қаттиқ нафратландилар. Бу босқинчилар халқимизнинг қарғишига, Оллоҳнинг лаънатига учраган ғаламислардир. Қуръони Каримда Оллоҳ таоло огоҳлантиради: Ер юзида обод қилинган жойларни оёқости қилган, фитна-фасод тарқатганлар жазога маҳкумдир. Бу босқинчи тўдалар Афғонистонда ва яна қаерлардадир жангарилик усулларини ўрганиб, Ватанга хиёнат қилиш, ўлкада беқарорликни юзага келтириш учун гуноҳ ишларга қўл урмоқдалар. Бегуноҳ одамларнинг ширин жонига қасд қилиб, ноҳақ қонларини тўкмоқдалар. Бу бузғунчиларга қарши курашда Ватанимизни, халқимизни ҳимоя қиламан деб ўн иккита ҳарбий йигитларимиз шаҳид бўлдилар. Мамлакатимиз чегараларини мардона туриб ҳимоя қилган бу фарзандларимиз халққа, она Ватанга меҳр-муҳаббатли инсонлар эди.

Қуръони Каримда Оллоҳ таоло огоҳлантиради: кимики бир бегуноҳ инсонни ўлдирса ёки бузғунчилик, фитна-фасод ишлари билан шуғулланса, гўёки Ер юзида барча инсонларнинг қонини тўккан гуноҳини олур ва кимики бир инсоннинг ҳаётини сақлаб қолса, гўёки барча инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолганнинг савобини олур.

Бир қанча юртдошларимизни қон қақшатган, Ватанимизга тажовуз қилиб бостириб кирган ватан хоинлари ва огоҳлантиради: «Эй, иймон келтирган аҳли мўминлар, барчаларингиз ялписига тинчлик-тоат йўлига киришинглар ва шайтон йўлига эргашманглар». Ҳақ субханаху таоло бандаларини зўравонлик, ноҳақ қон тўкиш, босқинчилик, зулм қилиш, ҳатто, динга зўрлаб киритишдан ҳам қайтарган.

**— Сизнингча ёвуз душманларимизнинг хуружидан қутилишнинг чораси қандай?**

— Инсониятнинг битта кулфати бор, у жаҳолатдир. Халқ бахтсизликлари тарихини ўрганувчи ҳар қандай одам Ер юзига бу кулфатларнинг кўп қисмини жаҳолат олиб келганига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Жаҳолат ҳомийлари аслида инсониятнинг энг ашаддий душманларидир. Қайтариб айтаман, Ислом динини ниқоб қилиб олган босқинчи фосиҳларга ҳар қанча насиҳат қилманг, бефойда. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашибгина унинг пайини қирқишимиз мумкин. Халқ ҳаловатини бузган, бегуноҳ юртдошларимизни қон қақшатганлардан қутилишнинг ягона чораси уларни аёвсиз маҳв этишдир. Оллоҳ таоло Қуръони Карим баракоти билан мустақил Ватанимизни, халқимизни барча балою қазолардан ўз паноҳида асрасин. Халқимизга, мустақиллигимизга, озодлигимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни доимо зиёда қилсин.

Омин, йа роббал оламийн.

# ЁВУЗЛИК УРУҒИНИ СЕПГАН ПУШАЙМОН ЙИҒАР

ри, босқинчи террорчилар, иншоолоҳ бутунлай таг-томири билан қириб ташланади. Бундай ёвузларни, халқ қарғишига, Оллоҳнинг лаънатига учраган махлуқларни битта ҳам қолдирмай уруғини қуритмоқ даркор. Босқинчиларга қарши курашда шаҳид кетган йигитларимизнинг номи қалбимизда абадий сақланади. Ўтган жума куни республикамизда фаолият кўрсатиб турган барча жоме масжидларида имом-хатибларимиз босқинчи қонхўрларнинг ёвузликлари, Ватан ҳимоячиларининг матонати ҳақида сўзлаб бердилар. Шаҳид кетганларнинг ҳаққига Қуръони Карим тиловат қилиниб, уларнинг руҳига бағишланди.

**— Ватан хоинлари ўзларини мусулмонмиз деб оғиз кўпиртирадилар. Уларнинг жирканч хатти-ҳаракатлари мусулмончиликка мутлақо зид-ку.**

— Қуръони Каримда Оллоҳ таоло муқаддас динимизни тинчлик дини деб баён қила-

# ХАЛҚ ҲУКМИ

***Республика меҳнат жамоалари, корхоналари, муассасаларида бўлиб ўтган йиғилишлар иштирокчилари мамлакатимиз жанубий ҳудудларига хоинона суқилиб кирган террорчиларнинг ёвузликлари ҳақида қаҳр-ғазаб билан гапирдилар. Ислом динини ниқоб қилиб олган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний каби ватанфуруш, ювиндихўрларнинг жирканч башараларини очиб ташладилар. Қашқирларга нисбатан ўз ҳукмларини баён этиб, барчани огоҳ бўлишга, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, илм масканларида соғлом, ўзаро талабчанлик муҳитини юзага келтиришга чақирдилар.***

***Қуйида ана шундай йиғилишларда қабул қилинган Баённомалардан айримлари чоп этилмоқда.***

— Жамоамизда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади, - дея йиғилишда ўз фикрини ифодалади Марғилон очиқ турдаги «Турон шойиси» ҳиссадорлик жамияти раиси К.Акромова, — Худо қарғаган, насл-насабининг тайини йўқ террорчилар билан олишувларда бир қанча мард ўғлонларимиз шаҳид кетганлиги юрак-бағримизни эзди. Инсон қиёфасидаги махлуқларни ким, қайси бахти қаро туққан ўзи? Телевизор экрани орқали жангариларнинг куйиб кул бўлган мурдаларини кўриб, ярамаслар қисмати бундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин эмас, деб қўйдим. Жаҳонда она нафратига дош берадиган куч йўқ. Жамоамизнинг барча аёллари бўридай ваҳший, фикри-ёди бузғунчилик, қонхўрлик бўлган махлуқларга лаънатлар бўлсин, деймиз. Бундайлар минг азобу қийноқларда, хору зорликда ер юзидан йўқ бўлиб кетсин. Заҳарли илоннинг боши янчилмас экан, ҳеч қачон тинч яшолмаймиз.

**Йиғилиш қарор қилади:**

Тинч-осойишта ҳаётимизни бузган, мустақиллигимизга рахна солишга уринган халқаро террорчиларнинг ёвузликлари қаттиқ қоралансин, улар ер билан яксон қилинсин.

Ашаддий қонхўр, ўз Ватанини, миллатини сотган, ақл бовар қилмайдиган жиноятларга қўл уриб келаётган, оналарни зор қақшатган, болаларни етим қилган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангонийлар ўлимга маҳкум этилсин.

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни якдил қўллаб-қувватлаймиз, давлатимиз раҳбари атрофига янада маҳкамроқ жипслашиб, зарбдор меҳнатимиз, ҳушёрлигимиз билан ёвга зарба берамиз.

**М.Қорабоева, Д.Долимова, С.Қўчқорова, О.Мирзаева, С.Келдибоева, М.Бобораҳимова, Х.Жўраева, жами 106 имзо.**

* * *

«Самарқанд телеком» шуъба корхонаси фаоллари йиғилиши қатнашчилари ҳам жангариларнинг қабиҳликларини қаттиқ қораладилар. Сўзга чиққан ҳар бир нотиқ Ватаннинг ҳар бир қарич ери муқаддас эканлиги, тинч-осойишта кунларнинг ўзи бўлмаслиги, бахт учун, тинчлик учун астойдил курашмоқ лозимлигини алоҳида уқтирдилар. Айниқса, етакчи мутахассис Р.Усмонованинг дил нидоси кишиларни тўлқинлантирди. Ёвга бўлган нафратини оширди.

— Шум қадам босқинчиларни деб қанчадан-қанча мунис оналар «болам!» деб оҳ чекди. Ҳаётда ҳали ҳеч нарса кўрмаган алпомиш келбат йигитларимиз бевақт оламдан кўз юмди. Шаҳид кетган самарқандлик Сайёржон Саъдиновнинг онаизори «ўн гулидан бир гули очилмаган болам, куёв бўлиб чимилдиқ кўрмаган болам» дея фарёд чекканини кўрганимда қанчалик эзилганлигимни кўрсангиз эди. Бироқ биз гўзал Ватанимиз, мард ўғлонларимиз билан фахрланамиз. Шу кезларда муҳтарам Юртбошимизнинг: «Менинг ўз ишонган фарзандларим бор, Ўзбекистон чегарасини, ҳар бир қарич ерини ҳимоя қила оладиган Ватанни севувчи ўзбек халқим бор» деган пурҳикмат сўзларининг мағзини чуқурроқ чаққандек бўлаяпман. Бутун вужудимиз душманга нисбатан қаҳр-нафрат билан тўлиб тошган.

Йиғилишда сўз олган мутахассис Р.Фератова, менеджер А.Аҳрорқулов, ҳайдовчи М.Зокиров, муҳандис Ж.Мансуров ва бошқалар жамоа қатъий фикрини ифодалаб, инсоният душмани Тоҳир Йўлдош ва Жума Намангонийга ўлим жазоси берилишини талаб қилдилар.

**А.Тоштемиров, Т.Раҳматов, С.Ҳамидов, жами 32 имзо.**

* * *

Тошкент шаҳар алоқа корхоналари жамоалари ўртасида мини футбол бўйича ўтказилаётган мусобақа иштирокчиларининг

**БАЁННОМАСИ**

Қашқир сифат жангарилар, уларнинг ярамас йўлбошчилари Тоҳир Йўлдош, Жума Намангонийга ўлим!

**С.Аҳмедов, М.Мирсодиқов, А.Шомуродов, С.Расулов, жами 70 имзо.**



# «ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ОЙЛИГИ»

**Мамлакатимиз чегара ҳудудларида сиёсий аҳволнинг кескинлашуви, диний экстремистик кучлар, террорчи гуруҳлар томонидан давлат чегарасини бузиш учун қилинаётган ҳар хил кўринишдаги хатти-ҳаракатларни ҳисобга олиб, шу йил 10 августдан 10 сентябргача Жиззах вилоятида «Фуқаро муҳофазаси ойлиги» ўтказиляпти. Вилоятдаги барча ўқув даргоҳлари, ташкилот, идора ва муассасаларда «Фуқаро муҳофазаси» бурчаклари ташкил этилди.**



Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида халқаро террорчилар гуруҳини тугатиш борасидаги жанговар ҳаракатларда мардлик, қаҳрамонлик кўрсатиб шаҳид кетган Ватанимизнинг мард ўғлонлари номи мангу барҳаётдир. Улар бир умрга садоқат рамзи бўлиб қоладилар. Тошкент туманидаги генерал Раҳимов номли ширкат хўжалиги фахрийлари Собит бобо Турсунов ҳамда Абдулла ота Аширбоевлар худди шу хусусда фикрлашишмоқда.

**И.ҲАСАНОВ олган сурат.**

# НАФРАТИМИЗ ЧЕКСИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мактабларда ўқитиш, ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Туманлар ҳокимликлари, ташкилот, корхона, муассаса ва хўжаликлар, тадбиркорлар кўчиб келганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Айни пайтда халқаро террорчиларнинг элимиз осойишталигини бузишга қаратилган ёвузона хатти-ҳаракатлари одамларнинг қаҳру ғазабига сабаб бўлмоқда. Узун туманидаги «Гулистон» ширкатлар уюшмасининг «Янги куч» маҳалласи кексалар чойхонасида бир гуруҳ отахонлар гурунгининг шоҳиди бўлдим. Улардан бири - кекса ўқитувчи Шерали Деҳқонов ғазабини яширолмай, жумладан шундай деди:

- Муқаддас юртимиз ҳимояси учун ўн икки нафар йигитимиз шаҳид кетди. Биз, кексалар уларнинг кўрсатган қаҳрамонликларини фарзандларимизга ибрат сифатида гапириб, тарғиб қилиб юрибмиз. Террорчигазандаларнинг яна бош кўтармаслиги учун, керак бўлса, ўзимиз ҳам қўлимизга қурол олишга тайёрмиз.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ватан фидойилари*

# АСЛ ФАРЗАНД ЧИҚАР АСЛ ХОНАДОНДАН

***Пахтаободлик Абдумуталиб аканинг ҳовлисидан ҳафтанинг бошида ойдек қизи ёр-ёрлар билан келин бўлиб чиқди. Ҳафтанинг охирида эса эр етиб, айни кучга тўлган 21 ёшли ўғлининг тобути келди.***

Бир тўп сада ичидан
Сайлаб олган райхоним.
Бевақт хазоним болам
Бир пасиллик меҳмоним.
Одам ютиб қаро ер
Тўймасми-ей, тўлмасми,
Ёш жонингта қасд
қилган
Ёвлар ўлса бўлмасми...

Оппоқ рўмолли аёл айтиб-айтиб йиғларди, ўкраб-ўкраб йиғларди.

Мен энди йиғламайман, дейди ниҳоят Хосият опа рўмолининг учини тишларига босиб. Ростдан ҳам унинг кўзлари йиғламайди. Лекин унинг қўллари титрар, юраги йиғлар эди.

Дониёр Тожибоев 1979 йили Пахтаобод тумани «Маданият» жамоа хўжалигининг Иттифоқ маҳалласида дунёга келди. Болалиги ҳамма қишлоқ болалариники сингари ўйин-кулгу билан ўтди. Қорувли гавдаси уни тенгдошларидан ажратиб турарди. Баъзан кетмон кўтариб далага отланган Абдуmutалиб акага эргашиб қолар, гоҳо онаси боғчадан келгунча укаларини овутиб уйда ўтирар эди. Мактабга ҳам тенгдошлари қаторида борди.

- Дониёрни биринчи синфда ўқиган чоғидан биламан. Анчагина тортинчоқ бола эди,- деб эслайди 26-ўрта мактаб директори Комилжон ака Ҳурбоев. - Спортни севарди. Туманда ўтказилган спорт мусобақаларида бир неча марта мактабимиз шаънини ҳимоя қилган. Дониёр ориятли йигит эди.

Дониёр мактабни битирди-ю ҳайдовчилар тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Икки йиллик ҳарбий хизматни Чирчиқ шаҳрида ўтади. Эндигина уйга келган ўғлининг ўн беш кундан кейин яна қайтиб кетишини эшитган Хосият опа бироз безовта бўлди. Фарзанд дийдорига муштоқ эмасми, боласини кўзининг олдидан йироқлатгиси келмади.

- Тўғри, ҳарбийлар ҳаёти енгил эмас, лекин шу касб менга ёқади. Махсус қўшинларга таклиф қилишяпти, ойи. У ерга ҳаммани ҳам олавермайди. Мени лойиқ кўришибдими, хурсанд бўлишим керак. Мана, бир йилдан кейин Элёр мактабни битиради. Худо хоҳласа, ўзим Тошкентга олиб бориб ўқитаман. Бирга бўламиз. Қисмимиздан ҳар йили бир неча аскарни Америкага ўқув машқлари учун жўнатишяпти. Ҳаракат қилсам, мен ҳам боришим мумкин.

Хуллас, Хосият опа розилик бергандай бўлди.

- Онаси, ўзинг мундоқ атрофга бир қара. Ўғлимизнинг тенгдошлари нима қиляпти. Сен билан менку ҳеч нарсани кўрмай, меҳнатнинг тагида ўтдик. Энди замон ўзгарди. Болаларимиз дунёни кўрсин, одам танисин,- деди отаси ҳам.

Эрининг гапларини босиқлик билан тинглаган она ўғлига оқ фотиҳа берди.

Дониёр сўзининг устидан чиқди. Кейинги келганида лицейни аъло баҳолар билан тугатган укаси Элёрни ўзи билан бирга олиб кетди. Акаука тўғри Тошкент автомобиль ва йўллар институтига келди. Электромеханика факультетига ҳужжат топширишди.

- Сен албатта ўқишинг керак, ука. Кўча чангитиб, бозорма-бозор юрганларга ишонма. Келажак ўқиганники бўлади, - дерди Дониёр китобдан бош кўтармай тестга тайёрланаётган укасига.

- Тест синовига бир неча кун қолувди. Акам ишдан кеч қайтди. «Элёр, Сурхондарёга террористлар бостириб кирибди. Бизни ҳам олиб кетиш эҳтимоли бор. Бир ўзинг қийналиб қолмасмикансан, ишқилиб», деди чой ичаётган пайтимиз. Улар 31 июлда жўнайдиган бўлишди. «Энди, ука тест топширишга ўзинг бораверасан. Мен бир ҳафталарда қайтаман. Андижонга бирга кетамиз» деган эди акам жўнар олди,- деб эслайди Элёр.

Одам тафтини одам олади, дейишади. Мана, 11 августдан буён бу ҳовлидан одам оёғи узилмайди. Бир пас уларнинг гурунгига қулоқ соламан. Улар ҳам бугун ҳамма гапираётган Сурхондарё воқеаларидан гапиришади. Бири олиб, бири қўйиб босқинчиларни лаънатлайди.

- Ўзбекман деган борки, босқинчилардан нафратланади. Телевизордан уларнинг сочилиб ётган жасадларини кўрсатишди. Итга ит ўлими, деб шуни айтишади. Оналарнинг кўз ёшлари кўр қилади уларни. Худо бор! Ҳаммасини кўриб турибди - дейди Маҳмуджон ота Аҳмедов.

Авазбек Ҳамроқулов Дониёрнинг болаликдан бирга ўсган дўсти. Бир синфда ўқишган. У жуда кўп нарсаларни, Дониёр билан ўтган кунларини, болаликдаги воқеаларни эслади.

- Дониёр мендан олти ой кейин армияга кетди. У Чирчиқда, мен Марғилонда хизмат қилдим. Охирги марта тўйимга келганди. Ўшанда менга ҳам ҳарбийда ишлашни таклиф қилувди. Махсус бўлинмада хизмат қилганман. Олишса керак, деб рози бўлгандим. Ҳали чақиришмади. Аввал бормасам ҳам энди бораман.

Кетар олди яна Абдумуталиб аканинг ёнига бордим.

- Ука, мен бир деҳқон одамман. Умрим хўжаликнинг иши билан ўтяпти. Опангиз ҳам боғчани ташлаганига анча бўлган. Қизларнинг бирини чиқардик, эшитдингиз. Униси ҳам бировнинг хасми. Энди бутун умидимиз ёлғиз Элёржондан. Элёримиз ўқисин, одам бўлсин деймань. Тест топшириб келдию манави ташвишлар билан ҳали жавобини билмаймиз. Ахир, фарзанд фақат ота-онаники эмас, шу халқники ҳам. Хайрлашиб йўлга чиқар эканман, бу хонадонга ҳали яна қайтиб келадигандек бир туйғу кўнглимдан кечди. Бу танти ота, бу ғамгузор она изтиробларида, орзу ҳавасларида ғоят ўзбекона самимийлик, очиқлик, бағрикенглик, тантилик кўзга ташланиб турарди. Шундай хонадонлар бор экан, халқимиз мард фарзандларининг қатори камаймайди!

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**
**Андижон**

